ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ, БАРТАРАФ ЭТИШ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Саттаров Азим Саидович
DOI:https://doi.org/10.5281/zenodo.24105065

Аннотация: Ушбу мақолада энергия тежамкорлигини таъминлашда коррупциявий омилларни аниқлаш, бартараф этиш ва уларга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотда "коррупциявий омил" тушунчаси коррупциявий ҳуқуқбузарликнинг ўзи билан тенглаштирилмайди. У қарор қабул қилиш, ресурс тақсимлаш, ҳисоб - китоб, назорат ёки маълумотга кириш жараёнида ғайриқонуний манфаат олиш эҳтимолини оширадиган ҳуқуқий, ташкилий, ахборот - технологик ёки институционал шароит сифатида талқин этилади. Бундай фарқлаш профилактиканинг объекти содир этилган жиноят эмас, аввало унинг юзага келиш имкониятини яратувчи жараён ва назорат заифлиги эканини назарий жиҳатдан аниқлашга имкон беради. Тадқиқот натижалари асосида энергия тежамкорлигини таъминлашда коррупцияга қарши курашишнинг назарий модели таклиф этилган ҳамда амалий жиҳатдан амалиёт чора - тадбирларини амалга ошириш устуворлиги белгиланган. Хулоса ўрнида рақамлаштириш инсон омилини "йўқ қилиш" эмас, балки қарорни кузатиш, асоссиз дискрецияни чеклаш, маълумотнинг яхлитлигини таъминлаш ва хавфли аномалияни эрта аниқлаш воситаси эканлиги илмий асосланган.

Калит сўзлар: Коррупциявий омил, коррупциявий ҳуқуқбузарлик, профилактика объекти, рақамлаштирилган назорат, энергия самарадорлиги, коррупцияга қарши курашиш.

Энергия тежамкорлиги иқтисодий барқарорлик, саноат рақобат-бардошлиги ва аҳолига узлуксиз энергия хизматлари кўрсатиш билан бевосита боғлиқ стратегик йўналишдир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2018 йил 3 октябрда электр энергетикасини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш муҳокамасида электр энергетикасини иқтисодиётнинг "мотори"сифатида таърифлаб, автоматлаштирилган ҳисобни жорий этишдаги кечикишларни ҳам танқидий қайд этган [1]. Мазкур ёндашув энергия самарадорлиги масаласини фақат техник ёки иқтисодий эмас, балки бошқарув сифати, ҳисобдорлик ва назорат ишончлилиги билан боғлиқ институционал масала сифатида ҳам кўриш зарурлигини кўрсатади.

Амалдаги ҳуқуқий муҳит ҳам бундай комплекс ёндашувни талаб қилади. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун коррупцияни мансаб ёки хизмат мавқеидан қонунга хилоф равишда наф олиш мақсадида фойдаланиш билан боғлайди, профилактика, очиқлик ва жавобгарликни коррупцияга қарши сиёсатнинг муҳим элементлари сифатида белгилайди [2]. 2024 йилда қабул қилинган "Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қонун эса энергия ҳисоби, мониторинг, давлат ахборот тизими, энергия аудити ва давлат назоратини соҳавий бошқарувнинг асосий институтлари қаторига киритди [3]. 2025 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Энергия самарадорлиги миллий агентлигининг ташкил этилиши энергия тежамкорлиги сиёсатида институционал масъулиятни янада аниқлаштирди [4].

Шу нуқтаи назардан мазкур параграфнинг мақсади энергия тежамкорлигини таъминлаш жараёнларида коррупциявий омилларнинг амалда намоён бўлиш шаклларини ҳуқуқни қўллаш материаллари асосида таҳлил қилиш, миллий ва хорижий назарий ёндашувлар ўртасидаги илмий

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

полемикани очиб бериш ҳамда соҳада коррупциянинг олдини олишга қаратилган хавф - хатарга асосланган, рақамли ва натижадорликка йўналтирилган механизмларни асослашдан иборат.

Тадқиқотда **"коррупциявий омил" тушунчаси** коррупциявий ҳуқуқбузарликнинг ўзи билан тенглаштирилмайди. У қарор қабул қилиш, ресурс тақсимлаш, ҳисоб - китоб, назорат ёки маълумотга кириш жараёнида ғайриқонуний манфаат олиш эҳтимолини оширадиган ҳуқуқий, ташкилий, ахборот - технологик ёки институционал шароит сифатида талқин этилади. Бундай фарқлаш профилактиканинг объекти содир этилган жиноят эмас, аввало унинг юзага келиш имкониятини яратувчи жараён ва назорат заифлиги эканини назарий жиҳатдан аниқлашга имкон беради.

Коррупциявий хавфларни баҳолаш бўйича миллий услубиёт давлат ташкилотлари функцияларини ички ва ташқи ахборот манбалари асосида таҳлил қилиш, сунъий тўсиқлар, асоссиз тезкор қарорлар, маълумотлар базасига ёлғон ахборот киритиш ва манфаатлар тўқнашуви каби ҳолатларни хавф - хатар белгиси сифатида кўриб чиқишни назарда тутади [5]. Мазкур услубиёт энергия соҳасига татбиқ этилганда "функция" даражасидаги баҳолашни "транзакция ва технологик ҳодиса" даражасидаги рақамли индикаторлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деган илмий гипотеза илгари сурилди.

Криминология фани доирасида коррупцияни тушуниш ва профилактика қилиш бўйича бир қатор ёндашувлар шаклланган. Г.Нурмуҳаммедова коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик хусусиятлари, содир этилиш механизмлари ҳамда профилактикасини комплекс ўрганиш зарурлигини асослайди [6]. Р.Зуфаров коррупциянинг моҳиятини шахсий ёки корпоратив манфаат йўлида жамоат манфаатларига зарар етказилиши билан боғлайди [7]. О.Исмоилов латент коррупцияни фош этишда яширин механизмларни аниқлаш ва махсус криминологик усулларни қўллашнинг аҳамиятини кўрсатган [8]. Б.Ахраров эса мансабдорлик жиноятларини бошқарув тартиби, ваколатдан фойдаланиш ва жавобгарлик нуқтаи назаридан тадқиқ этган [9]. Шунингдек, тадқиқотчи Х.Мелиев коррупцияни ҳам жиноят таркиби билан чекламасдан, ҳуқуқбузарликка олиб келувчи бошқарув шароитларини таҳлил қилиш лозимлигини асослайди.

Бироқ назарий баҳснинг муҳим нуқтаси шундаки, коррупцияни фақат **"инсофсиз мансабдор – заиф назорат" модели** билан тушунтириш ҳар доим етарли эмас. Америкалик олим Роберт Клитгаарднинг классик институционал модели коррупция эҳтимолини монополия ва дискрециянинг кучайиши, ҳисобдорликнинг эса заифлашиши билан боғлайди [10]. Электр ва газ таъминотида уланиш, ҳисоблагични ўрнатиш, қарздорликни тузатиш, техник далолатнома расмийлаштириш ёки шартнома бериш каби қарорлар муайян ходим ёки чекланган доирадаги мансабдорларга боғлиқ бўлса, ушбу модель юқори тушунтириш қувватига эга.

Шу билан бирга, А.Перссон, Б.Ротштейн ва Я.Теорелл тизимли коррупция шароитида "принципал – агент" ёндашувининг чекловларини кўрсатиб, коррупцияни коллектив ҳаракат муаммоси сифатида ҳам баҳолаш зарурлигини таъкидлайди [11]. Бу полемика энергия соҳаси учун амалий аҳамиятга эга: агар қоидабузарлик якка ходим хатти - ҳаракатидан эмас, балки бир нечта бўғин – ҳисобчи, техник ходим, раҳбар, пудратчи ёки истеъмолчи ўртасидаги норасмий келишувдан келиб чиқса, фақат ваколатни қисқартириш ёки битта комплаенс бўлинмаси ташкил этиш етарли эмас. Бундай вазиятда маълумотлар изини сақлаш, функцияларни ажратиш, ташқи текширув, манфаатлар тўқнашувини очиш ва жамоавий нормаларни ўзгартириш биргаликда қўлланиши керак.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

Ресурсларга бой соҳалар ҳақидаги адабиётларда ҳам институционал сифат марказий ўрин тутади. H.Mehlum, K.Moene ва R.Torvik табиий ресурслар салбий натижаларга автоматик олиб келмаслигини, асосий фарқ "ресурсни ишлаб чиқаришга йўналтирувчи" ва "рента эгаллашга қулай" институтлар сифатида эканини кўрсатади [12]. P.Mahdavi нефть соҳасида шартнома бериш ваколати, давлат компанияларининг фискал шаффофлиги ва назорат даражаси пора бериш хавфига таъсир қилишини эмпирик маълумотлар билан асослаган [13]. Демак, энергетикада коррупцияни ресурснинг ўзи эмас, балки ресурс оқимлари устидан ваколат, маълумот ва назоратнинг қандай ташкил этилгани кучайтиради ёки чеклайди.

Электр энергетикаси бўйича Жаҳон банки манбаларида ҳам ҳисоблагичлар, биллинг, янги уланишлар, таъминот сифатини ўзгартириш, қарздорлик ва шартномалар каби "микро - қарорлар" коррупция учун юқори хавфли нуқта сифатида қайд этилади; айрим мамлакатларда ҳисоблагич ўқувчилари, биллинг ходимлари ва линия ходимлари истеъмолчи билан тўғридан - тўғри алоқада бўлгани учун коррупцияга кўпроқ дуч келган [14]. Бу кузатув Ўзбекистондаги ҳуқуқни қўллаш материаллари билан мазмунан уйғун: коррупция ҳолатларининг муҳим қисми "охирги мил"да – истеъмолчига уланиш, ҳисоблаш, тўлов, назорат ва хизмат кўрсатиш жараёнларида қайд этилган.

Бош прокуратура тақдимномасидаги маълумотларга кўра, 2023 – 2024 йилларда ёқилғи - энергетика соҳасидаги вазирлик ва идораларга тегишли ташкилотларнинг 1 140 нафар ходими коррупциявий жиноятлар содир этгани қайд этилган. Улардан 483 нафари "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, 430 нафари "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, 138 нафари "Ўзбекнефтгаз" АЖ, 66 нафари "Ўзбеккўмир" АЖ ва 23 нафари "Ўзтрансгаз" АЖ ҳиссасига тўғри келган [15].

Тузилмавий ҳисоб - китоб 1 140 ҳолатнинг 42,4 фоизи "Ҳудудий электр тармоқлари", 37,7 фоизи "Ҳудудгазтаъминот" ҳиссасига тўғри келишини, яъни қайд этилган ҳолатларнинг 80,1 фоизи тақсимлаш ва истеъмолчи билан тўғридан - тўғри муносабатга киришадиган икки йирик тизимда жамланганини кўрсатади. Бу натижа "охирги мил" жараёнларини юқори хавф - хатарли деб белгилаш учун кучли сигнал, аммо компаниялар ходимлари сони ва операциялар ҳажми ҳисобга олинмагани сабабли уларни "энг коррупциялашган ташкилотлар" деб хулоса қилиш мумкин эмас. Илмий жиҳатдан тўғри ёндашув – мутлақ сонларни трансакцияга, ходимга, истеъмолчига ёки назорат актига нисбатан нормаллаштирилган индикаторлар билан тўлдиришдир.

Ҳудудлар кесимида Самарқандда 208, Андижонда 205, Қашқадарёда 156 ва Тошкент вилоятида 150 нафар ходимга оид ҳолатлар қайд этилган; мазкур тўрт ҳудуд жами маълумотнинг 63,1 фоизини ташкил этади [15]. Бироқ бу концентрация ҳам аҳоли, энергия истеъмоли, филиаллар сони, назорат тадбирлари интенсивлиги каби омиллар билан корректировка қилинмасдан туриб "ҳудудий коррупция даражаси" сифатида талқин этилмаслиги керак.

Мисол учун, электр таъминоти эҳтиёт қисмларини талон - торож қилганлик учун 79 нафар ходимлар жиноий жавобгарликка тортилган, жумладан, "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари" филиали бош директори кўл остидаги ходимлар билан тил бириктириб, 2021 – 2022 йилларда жамиятнинг марказий омборхонасига кирим қилинган 1,8 млрд. сўмлик кабелларни сотиб юборишиб, талон - торож қилишган. Мазкур коррупциявий схема давлат харидлари ва мол - мулкни бошқаришдаги коррупциявий хавф - хатарлар натижасида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, электр энергия учун қарздорликни камайтириш ёки йўқ қилиб бериш эвазига 36 нафар соҳа вакиллари фирибгарлик ва пора олганликлари учун жазо муқаррарлиги таъминланган, жумладан, Оқолтин туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи ўринбосари фуқарога, гўёки унинг фермер хўжалиги даласида ўрнатилган электр ҳисоблагичда ҳисобланган 7,7 млн. сўмлик

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

қарздорликни электрон дастурга киритмасдан, йўқ қилиб бериш эвазига 4 млн. сўмни пора тариқасида олган вақтида ушланган. Мазкур ҳолат электрон тизимга киритишда инсон омили сақланиб қолганлиги ушбу жараёндаги коррупциявий хавф - хатар даражаси юқори баҳоланишига сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида, мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган порахўрликка оид жиноятлари асосан назоратни амалга оширишга ваколатли шахслар томонидан йўл қўйилмоқда.

Мисол учун, электр ҳисоблагичларни аҳолига етказиб бериш ва уларни ўрнатиш, аниқланган ноқонуний ҳолатларга нисбатан чора кўрмаслик, электр таъминотини узатиш ишларини бажаришда 108 нафар соҳа ходимлари суиистеъмолчилик ва тамагирликка йўл қўйган, жумладан, Риштон тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи ўринбосари тадбиркордан унинг кулолчилик цехида электр тармоғига ноқонуний уланганлиги юзасидан тузилган ҳужжатларни йўқ қилиш ва жарима қўлламаслик эвазига 10 минг АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтида ушланган.

Ҳуқуқни қўллаш материалларидаги типик эпизодлар коррупциянинг айнан қайси бизнес - жараёнларда шаклланаётганини кўрсатади. Нефть - газ тармоғида суюлтирилган газни етказиб бериш ва сотиш, нефть ва ёқилғи маҳсулотларини сақлаш, газ тармоғига улаш, қарздорликни камайтириш ёки электрон базадан ўчириш, ҳисоблагичларни тарқатиш ва ўрнатиш, қувур ва эҳтиёт қисмларни ҳисобдан чиқариш, қурилиш - таъмирлаш ишларига қўшиб ёзиш ҳамда қоидабузарлик бўйича чора кўрмаслик эвазига манфаат олиш ҳолатлари қайд этилган. Электр таъминотида эса тўловларни кирим қилмаслик, ҳисоблагич ва тармоққа уланиш жараёнлари, ноқонуний уланиш бўйича ҳужжатларни йўқ қилиш, қарздорликни электрон тизимга киритмаслик, эҳтиёт қисмларни талон - торож қилиш ва трансформатор ўрнатиш каби хизматлар хавфли нуқталар сифатида намоён бўлган [15].

Ушбу эпизодларнинг умумий хусусияти – коррупция кўпинча "маълумотни ўзгартириш ҳуқуқи" ва "моддий ресурс устидан операцион назорат" кесишган жойда пайдо бўлишидадир. Масалан, ҳисоблагич ҳолати, қарздорлик, омбор қолдиғи, далолатнома, бажарилган иш ҳажми ёки уланишга рухсат тўғрисидаги маълумотни бир ходим ёки бир бўлинма мустақил ўзгартириши мумкин бўлса, формал рақамлаштиришнинг ўзи хавф - хатарни йўқотмайди. Шу сабабли рақамлаштиришни коррупцияга қарши "натижа" эмас, назорат архитектурасининг воситаси сифатида баҳолаш зарур.

Бу нуқтаи назар амалдаги ислоҳотлар билан ҳам уйғун ҳисобланади, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 319 - сон қарор билан тасдиқланган электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидалари қоидабузарликларни **"E-dalolatnoma"** электрон тизими орқали расмийлаштиришни назарда тутади; Ҳукуматнинг 2026 йил 29 апрелдаги 213 - сон қарордан кейин электр энергияси бўйича ҳисобга олинмаган миқдорни инсон омилисиз электрон тизим орқали ҳисоблаш механизмлари янада кучайтирилди [16]. Бу ҳуқуқий ечим мансабдор шахснинг постфактум маълумотни эркин ўзгартириш имкониятини чеклайди, лекин тизимнинг самараси маълумотлар яхлитлиги, кириш ҳуқуқлари, журналлаш, алгоритмнинг тушунтирилиши ва истисно ҳолатларини ким тасдиқлашига боғлиқ.

ИҲТТнинг 2026 йилги Коррупцияга қарши ва халоллик ҳисоботида юқори натижа кўрсатувчи тизимлар қоидабозликка ортиқча таянишдан хавфга асосланган, натижадорликка йўналтирилган ва рақамли ёндашувга ўтаётгани қайд этилади. Шу билан бирга, рақамли ва сунъий интеллект воситалари самараси маълумот сифати, ўзаро мослик, алгоритмик шаффофлик ва ҳисобдорликка

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

боғлиқлиги таъкидланади [17]. Демак, "**ҳамма жараённи рақамлаштириш = коррупцияни бартараф этиш**" деган тезис илмий жиҳатдан соддалаштирилган тушунча ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча тўғри модел бу "1) **рақамлаштириш; 2) ваколатларни ажратиш; 3) автоматик хавф – индикаторлар; 4) инсон томонидан асосланган текширув; 5) мустақил аудит**" комбинацияси коррупцияни бартараф этиш тезисига мос ҳисобланади.

Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари энергия тежамкорлиги соҳасида алоҳида хавф - хатар блокини ташкил этади. "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун харид жараёнларининг рақобат, очиқлик ва шаффофлик тамойилларини белгилайди [18]. БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси давлат харидларида спецификацияни бир иштирокчига мослаштириш, рақобатни сунъий чеклаш, манфаатлар тўқнашуви, келишилган таклифлар ва шартнома ижросида қийматни сунъий ошириш каби хатарларни коррупция учун типик заиф нуқталар сифатида кўрсатади [19]. Энергия самарадорлиги лойиҳаларида ускуна ва хизматлар техник хусусиятларининг мураккаблиги, нархларни қиёслаш қийинлиги ҳамда катта капитал харажатлар мазкур хавфларни кучайтириши мумкин.

Экстрактив соҳалар бўйича "Қазиб олиш саноатида шаффофлик ташаббуси" стандарти лицензия ва шартномалар, давлат корхоналари, бенефициар мулкдорлик ва сиёсий аҳамиятга молик шахслар ҳақидаги маълумотларни очиш орқали шаффофликни оширишни талаб ва тавсия қилади [20]. Ўзбекистонда манфаатлар тўқнашувини олдиндан аниқлаш ва хабар қилишнинг алоҳида ҳуқуқий механизми 2024 йилда қабул қилинган "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги Қонун билан мустаҳкамланган [21].

Шу асосда энергия соҳасида йирик харид ва пудратларда контрагентнинг бенефициар эгалари, харид комиссияси аъзолари ва қарор қабул қилувчилар ўртасидаги манфаатлар боғлиқлигини электрон текшириш назарий ва амалий жиҳатдан асосли профилактик чора ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлил асосида энергия тежамкорлигини таъминлашда коррупцияга қарши курашишнинг қуйидаги **назарий модели** таклиф этилади

1) Функционал баҳолашдан ташқари, коррупциявий хавф - хатарни баҳолаш ташкилот номи бўйича эмас, **аниқ жараён бўйича баҳолаш** таклиф этилади. Масалан, "электр тармоққа улаш", "қарздорликни сўндириш", "ёқилғи омбори", "энергия аудити", "давлат харид" ва ҳ.к. Бунда, ҳар бир жараён учун (а) коррупцион схема, (б) уни кўрсатувчи рақамли/ҳуқуқий индикатор, (в) автоматик ёки қўлдаги назорат, (г) хавф - хатар содир бўлганда таъсир этиши ҳолати белгиланади. Бу ёндашув миллий хавф - хатарларни баҳолаш услубиётидаги функциявий таҳлилни транзакция даражасига туширади ва ИҲТТнинг тавсия қилаётган хавф - хатар ва натижага йўналтирилган ёндашувга уйғун ҳисобланади.

2) "Икки поғонали рақамли назорат" концепцияси. Биринчи поғона –операцияни рақамлаштириш (ҳисоблагич, E-dalolatnoma, электрон харид, электрон омбор); иккинчи поғона – мазкур операциялар устида мустақил ҳалоллик-аналитикаси, яъни маълумотларни солиштириш, аномалияларни аниқлаш, аудит - лог ва кириш ҳуқуқларини мониторинг қилиш. Фақат биринчи қатлам мавжуд бўлса, коррупция "қоғоздан рақамга" кўчиши мумкин; иккинчи қатлам эса рақамли манипуляцияни аниқлаш имконини оширади. ИҲТТ рақамли ва сунъий интеллект воситаларида маълумот сифати, тушунтириш ва ҳисобдорлик талабларини алоҳида қайд этади [22].

3) "Энергетик ҳалоллик индикаторлари панели"ни жорий этиш. Панель жиноятлар сонини эмас, профилактик сигналларни ўлчаши лозим: қўлда амалга оширилган ретро-тўғрилашлар улуши; "E-dalolatnoma"га кеч киритилган актлар; аномал йўқотиш; бир иштирокчили харидлар; такрорий

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

ғолиб пудратчилар; тасдиқланмаган истисно; манфаатлар тўқнашуви; қарздорликни бекор қилиш операциялари; омбор reconciliation фарқи. Индикаторлар автоматик "айбдорлик" хулосаси эмас, хавф - хатарга асосланган текширувни бошлаш учун triage воситаси бўлиши керак.

4) "Бенефициар боғлиқликни автоматик текшириш" механизми. Энергетика соҳасидаги йирик харид, лицензия, пудрат ва инвестиция шартномаларида контрагентнинг бенефициар мулкдори, қарор қабул қилувчи ёки комиссия аъзоларининг **манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар билан солиштирилиши** таклиф этилади. Бу **"Қазиб олиш саноатида шаффофлик ташаббуси" стандарти** (EITI)нинг бенефициар мулкдорликни ошкор қилиш стандарти ҳамда миллий Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонун талабларининг функционал давоми ҳисобланади [23].

5) **"**Хавф - хатарга асосланган пропорционал назорат интенсивлиги" принципи. Энергетика соҳасидаги барча фаолият ва жараёнларни бир хил частотада текшириш ўрнига, юқори хавф индикаторларини тўплаган объектларга аудит, инвентаризация, қайта ҳисоблаш ёки техник текширув частотасини ошириш, паст хавф - хатар даражасида баҳоланган объектларда эса **автоматик мониторинг**га кўпроқ таяниш таклиф этилади. Бу назорат ресурсларини энг катта эҳтимолий зарар келтирадиган нуқталарга йўналтиради ва профилактиканинг иқтисодий самарадорлигини оширади.

6) "Ёпиқ контурли профилактика" (detect–verify–remediate–reassess) циклини жорий этиш. Аниқланган ҳар бир коррупция ҳолати ёки "қизил байроқ" (red flag) бўйича фақат интизомий/жиноий оқибатлар таъсири билан чекланмасдан, унинг сабаби қайси жараён ва назорат заифлигида экани белгиланиши, бартараф этиш чораси рақамли тизим ёки регламентга киритилиши ва кейинги даврда мазкур хавф - хатар қайта баҳоланиши керак. Шу ўринда, 2021 йилдаги ПҚ – 5177-сон қарорда ички назорат тузилмаларининг коррупция сабаб ва шарт - шароитларини бартараф этиш вазифаси белгилангани ушбу циклнинг миллий институционал асосини ташкил қилади [24]. Таклиф этилаётган модель комплаенс функциясини ҳам қайта талқин қилади. Комплаенс бўлинмаси барча операцияни "қўлда текширувчи" органга айланмаслиги керак; унинг асосий роли хавф - хатар индикаторларини белгилаш, маълумотлар сифати ва назорат дизайнини баҳолаш, аномалияларни саралаш, манфаатлар тўқнашуви ҳамда контрагент комплекс текшириш (due diligence) жараёнларини мувофиқлаштириш ва бартараф этиш чораларининг бажарилишини кузатишдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу орқали назорат шахсга эмас, тизимга йўналтирилади.

Жамоатчилик назорати ҳам фақат коррупция фактлари ҳақида хабар бериш билан чекланмаслиги лозим. Очиқ шартномалар, харид натижалари, энергия йўқотиш кўрсаткичлари, инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши ва энергия аудити натижаларининг қонунчиликда рухсат этилган қисми машинада ўқиладиган форматда эълон қилиниши ташқи таҳлилни кучайтиради. ИҲТТ очиқ маълумотлардан коррупцияга қарши фойдаланишни жамоатчилик аудити ва маълумотлар асосида ҳалолликни таъминлаш воситаси сифатида баҳолайди [25].

Амалий жиҳатдан эса қуйидаги амалиёт чора - тадбирларни амалга ошириш устувор ҳисобланади:

– истеъмолчи билан тўғридан - тўғри алоқадаги уланиш, ҳисоблагич, қарздорлик ва назорат жараёнларида барча қарорларни ягона электрон trace билан боғлаш;

– маълумотни ўчириш ёки ретроактив ўзгартириш имконини role-based access ва икки босқичли тасдиқ билан чеклаш;

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

– омбор, ёқилғи оқими, техник йўқотиш ва молиявий ҳисоб маълумотларини автоматик мувофиқлаштириш (reconciliation);

– харидларда нарх, иштирокчилар, бенефициар мулкдорлар ва ғолиблар такрорланишини "қизил байроқ" (red-flag) алгоритмлари билан таҳлил қилиш;

– энергия аудити ва объектни қабул қилишда ижрочи, текширувчи ва тасдиқловчи функцияларни ажратиш;

– коррупция ҳолати аниқланганидан кейин "қайси назорат ишламади?" деган root-cause analysis ўтказиш ва уни хавф - хатар – харитага қайтариш;

– ҳар чоракда жиноятлар сони эмас, бартараф этилган тизимли заифликлар ва камайган аномал операциялар бўйича KPI ҳисоботини шакллантириш.

Тадқиқот натижалари энергия тежамкорлигини таъминлашда коррупциявий омиллар, аввало, ресурс ёки технологиянинг ўзида эмас, балки ресурс, маълумот ва қарор қабул қилиш ваколати бир нуқтада назоратсиз тўпланганда кучайишини кўрсатди.

2023 – 2024 йиллар бўйича эмпирик материалларда қайд этилган ҳолатларнинг катта қисми тақсимлаш ва истеъмолчи билан тўғридан - тўғри муносабатга киришадиган электр ва газ таъминоти тизимларида жамлангани шу хулосани қўллаб - қувватлайди. Бироқ мутлақ статистик сонлар ходимлар, транзакциялар ва текширувлар ҳажмига нисбатан нормаллаштирилмасдан туриб "коррупция даражаси" сифатида қабул қилинмаслиги лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аниқ жараён бўйича баҳолаш модели, икки қатламли рақамли назорат, энергетик ҳалоллик индикаторлари панели, бенефициар боғлиқликни текшириш, хавф-хатарга асосланган пропорционал назорат ва ёпиқ контурли профилактика энергия тежамкорлиги соҳасида коррупцияни олдиндан аниқлаш ва бартараф этишнинг ўзаро боғлиқ тизимини шакллантиради.

Уларнинг умумий мантиғи шундан иборатки, рақамлаштириш инсон омилини "йўқ қилиш" эмас, балки қарорни кузатиш мумкин қилиш, асоссиз дискрецияни чеклаш, маълумотнинг яхлитлигини таъминлаш ва хавфли аномалияни эрта аниқлаш воситаси бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. «Электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш масалалари таҳлил этилди», 03.10.2018. https://president.uz/uz/lists/view/2066.
2. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 й. ЎРҚ-419-сон «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 07.08.2024 й. ЎРҚ-940-сон «Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.03.2025 й. ПФ-63-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 02.05.2025 й. 292-сон қарори.
5. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиёти, Адлия вазирлигида 10.10.2026 й. 3952-сон билан рўйхатдан ўтган.
6. Нурмухаммедова Г.Б. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик хусусиятлари ва уларнинг олдини олишни такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2021.
7. Зуфаров Р.А., Ахраров Б.Ж. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик: – Тошкент, 2011. – Б. 20.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

8. Исмоилов О.Ю. Коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни фош этиш усулларини такомиллаштириш: PhD диссертацияси. – Тошкент, 2022. – 171 б.
9. Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: юридик фанлар доктори диссертацияси. – Тошкент, 2008. – 348 б.
10. Klitgaard, R. Controlling Corruption. University of California Press, 1988. https://www.ucpress.edu/books/controlling-corruption/pdf.
11. Persson, A., Rothstein, B., Teorell, J. Why Anticorruption Reforms Fail—Systemic Corruption as a Collective Action Problem. Governance, 2013, Vol. 26(3), pp. 449–471. https://doi.org/10.1111/j.1468-0491.2012.01604.
12. Mehlum, H., Moene, K., Torvik, R. Institutions and the Resource Curse. The Economic Journal, 2006, Vol. 116(508), pp. 1–20. https://doi.org/10.1111/j.1468-0297.2006.01045.
13. Mahdavi, P. Institutions and the "Resource Curse": Evidence from Cases of Oil-Related Bribery. Comparative Political Studies, 2020, Vol. 53(1), pp. 3–39. Preprint: https://paashamahdavi.com/NOC-bribery-sep2017.pdf.
14. World Bank. Deterring Corruption and Improving Governance in the Electricity Sector: A Sourcebook. Washington, DC, 2009. https://documents1.worldbank.org/curated/en/301391468329462782/pdf/467080WP0Box331lectricitysourcebook.pdf.
15. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил апрелдаги №19/10-25 тақдимномаси. Ташкилотлар бўйича жами 1 140 нафар: «Ўзтрансгаз» – 23, «Ўзбеккўмир» – 66, «Ўзбекнефтгаз» – 138, «Ҳудудгазтаъминот» – 430, «Ҳудудий электр тармоқлари» – 483.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 й. 319-сон қарори (амалдаги таҳрир) ва 29.04.2026 й. 213-сон қарори. E-dalolatnoma орқали қоидабузарлик далолатномаларини электрон расмийлаштириш ва айрим ҳисоб-китобларни инсон омилисиз амалга ошириш механизмлари. https://lex.uz/docs/6954979; https://lex.uz/docs/8166229.
17. OECD. Anti-Corruption and Integrity Outlook 2026: Harnessing the Integrity Advantage. OECD Publishing, Paris, 2026. https://doi.org/10.1787/16708b78-en
18. Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 й. ЎРҚ-684-сон «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни (амалдаги таҳрир). https://lex.uz/docs/5382974.
19. UNODC. Guidebook on Anti-Corruption in Public Procurement and the Management of Public Finances. United Nations, 2013. https://unodc.org/documents/corruption/Publications/2013/Guidebook_on_anti-corruption_in_public_procurement_and_the_management_of_public_finances.pdf.
20. EITI. 2023 EITI Standard. Requirements on contracts/licences, state-owned enterprises and beneficial ownership. https://api.eiti.org/sites/default/files/2024-04/2023%20EITI%20Standard_Parts1-2-3.pdf.
21. Ўзбекистон Республикасининг 05.06.2024 й. ЎРҚ-931-сон «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни. Кучга кирган сана: 06.12.2024. https://lex.uz/docs/6952742.
22. OECD. Anti-Corruption and Integrity Outlook 2026, "Greater uptake of technology and better-quality data…"; шунингдек OECD. Anti-Corruption and Integrity Outlook 2024, AI chapter. https://www.oecd.org/en/publications/anti-corruption-and-integrity-outlook-2026_16708b78-en/full-report.html; https://www.oecd.org/en/publications/anti-corruption-and-integrity-outlook-2024_968587cd-en.html.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

23. EITI. 2023 EITI Standard, Requirement 2.5 (beneficial ownership). https://api.eiti.org/sites/default/files/2024-04/2023%20EITI%20Standard_Parts1-2-3.pdf; ЎРҚ-931-сон Қонун. https://lex.uz/docs/6952742.
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 й. ПҚ-5177-сон қарори: коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш, сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун масъул. https://lex.uz/docs/5495533
25. OECD. Compendium of Good Practices on the Use of Open Data for Anti-corruption: Towards Data-driven Public Sector Integrity and Civic Auditing. OECD Publishing, 2017. https://doi.org/10.1787/d9792321-en

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.